

ISLAMONLINE.UZ

halol.uz

Ҳалол-Ҳаром



Ичкилик тижорати



Ислом ичкилик ичишни харом килиш билан чекланиб колмай, айна замонда унинг тижоратини ҳам харом сифатида таъкиклаган.

Ичкилик ишлаб чиқариш, ичкилик сотиладиган маконга эга бўлиш ва бундай бир жойда хизматчи бўлиб хизмат килиш каби ҳолатлар мусулмон учун қатъиян харомдир. Шу боис Термизий ва Ибн Можа ишончли манбалардан келтирган ривоятларига

караганда бу нарсалар каттик кораланади: "Пайгамбар саллаллоху алайхи вассалом ичкилик хусусида ўн кишини лаънатлаганлар: Ичкиликни сиккан, ўзи учун сиккан, ичган, ташиган, ўзи учун ташиган, ичирган, сотган, пулини еган, сотиб олган ва ўзи учун сотиб олган кишилар..."

Юкорида эслатганимиз Моида сурасининг ичкилик хакида ояти тушганида Расулulloх саллаллоху алайхи вассалом шундай дедилар: "Аллох ичкиликни харом килди. Бу оятдан хабар тониб ёнида ичкилиги бўлган киши энди ундан ичмасин ва уни сотмасин" (Муслим). Ровийнинг айтишича шундан сўнг барча мўминлар ёнларидаги бор ичкиликларини Мадина кўчаларига тўқдилар.

Харомга олиб борадиган йўлларни тўсишлик учун Ислом мусулмонларнинг ичкилик тайёрланадиган жойларга (агар бу ҳақда аниқ далиллари бўлса) узум сотишларини харом килган. Бу хусусда пайгамбаримиз саллаллоху алайхи вассалом мархамат киладиларки: Бир яхудийга, насронийга, хатто мусулмон бўлса ҳам арок тайёрлайдиган бир кишига сотиш учун узумини саклаб кўйганлар кўра била туриб оташни тишлаган бўладилар". (Табароний).

Юсуф Каразовийнинг  
"Исломда халол ва харом" китобидан  
Абу Муслим тайёрлади